

Ҳ у к м
Ўзбекистон Республикаси номидан

2026 йил 6 апрель куни жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг ўз биносида ёпиқ суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи суд раиси Б.Тагаев, судья ёрдамчиси М.Қурбонованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қумқўрғон туман прокурори ёрдамчиси Ж.Исмоилов ва судланувчи З.Намазовнинг ҳимоячи-адвокати Б.Турсуновларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 141³-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан айбланган Намазов Зокир Абдиғаппаровичга оид бўлган 1-1908-2601/71-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Намазов Зокир Абдиғаппарович, 1988 йил 23 январь куни Қумқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ҳеч қаерда ишламайди, Қумқўрғон тумани, Пахтаобод маҳалласида яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат орқали очикда қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 25 март куни олган.

Суд ёпиқ суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, прокурор ва ҳимоячининг музокара нутқлари, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят ишидаги далилларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи З.Намазов ўзига илгаридан таниш бўлган Қумқўрғон тумани “Пахтаобод” маҳалласида яшовчи вояга етмаган Исманова Сарвиноз Эркин қизи билан уни вояга етмаганлигини билгани ҳолда, уяли телефон орқали видеоқўнғироқ орқали ўзаро суҳбатлашган пайтида С.Исмановадан ўзини ялонғоч ҳолатда ҳамда жинсий аъзоларини кўрсатган ҳолатда кўринишини сўраб, ушбу ҳолатларни уяли телефонида “скриншот” қилиш йўли билан фотосурат кўринишида сақлаб олиб, 2025 йил апрель ойида С.Исмановадан яширинча ва унинг розилигисиз, бўлажак турмуш ўртоғи Қумқўрғон тумани “Бўстон” маҳалласида яшовчи Абдуллаев Асадбек Чори ўғлига “Telegramm” мессенжери орқали С.Исманованинг танаси ва жинсий аъзоларининг ялонғоч ҳолдаги фотосуратларини ташлаб берган.

Судланувчи З.Намазов судда, ўзига қуйилган айбга иқрорлик билдириб, 2024 йил октябрь ойида маҳаллада истиқомат қиладиган Искандаров Бекназар исмли шахсга тегишли ерда ишчи бўлиб ишлаганлигини, ишлаш жараёнидан ўзига олдиндан таниш бўлган шу маҳаллада яшовчи Сарвиноз исмли қиз билан яқиндан танишиб у билан кўришиб гаплашиб юрганлигини, уни мактаб ўқувчиси эканлигини билганлигини, бу вақтда у мактабнинг 10-синфида ўқиганлигини, 2025 йил 31 январь куни Россия давлатига ишлаш учун кетганлигини, шундан сўнг Сарвиноз билан телеграмм ва ватсап ижтимоий тармоғи орқали видеоқўнғироқ қилиб гаплашганлигини, 2025 йил апрель ойида у билан ўзига тегишли +99893-490-14-90 бўлган рақами орқали видеоқўнғироқ қилиб бўлган унга кийимларини



ечиб ялонғоч ҳолатда кўрмоқчилигини айтганлигини, у устида бўлган кийимларни барчасини ечиб унга кўрсатганлигини, шу вақтда унинг ялонғоч ҳолатдаги расмларини ўзининг телефонида “скриншот” қилиб телефони хотирасига сақлаб олганлигини, кейинчалик Сарвинозни Асадбек исмли шахсга унаштирилганлиги эшитиб, ушбу Асадбек исмли боланинг телеграмм мессенжеридagi профилини излаб топганлигини, унга ўзининг уяли телефонидаги Сарвинознинг ялонғоч ҳолатдаги скриншот тасвирларини ташлаб берганлигини, унга ўзи унаштирилган қизнинг расмлари эканлигини, қандай қизга унаштирилганини билиб қўйишини айтганлигини, аммо Сарвинознинг ўзига ушбу фотосуратларини Асадбек исмли болага ташлаб бераётганини айтмаганлигини, кейин Асадбек исмли бола у билан боғланиб, ўзи Россияда эканлигини айтиб бирга кўришишни сўраганлигини, у билан Россияда учрашганлигини, учрашган пайтида ҳам ҳақиқатдан ҳам у унаштирилган қиз билан гаплашиб юришини телеграмдан ташланган ялонғоч ҳолатдаги расмлари ҳам унга тегишли эканлигини айтганлигини, бу ҳолатларни Асадбекнинг ўзи видеотасвирга тушуриб олганлигини, кейин Асадбек Сарвиноз билан ўртасидаги унаштирувни бекор қилганлигини, вояга етмаган С.Исманова билан 2024 йил октябрь ойидан бери ўзаро гаплашиб юрганлигини, шу пайтга қадар бирор маротаба у билан жинсий алоқага киришмаганлигини, вояга етмаган С.Исмановага нисбатан бирор маротаба уятли ҳаракатлар яъни қучоқлаш, ўпиш, жинсий аъзоларидан ушлаш каби ҳаракатларни содир қилмаганлигини, вояга етмаган С.Исманова билан 2025 йил апрель ойида ўзи Россияда бўлганида уяли телефон орқали видеоқўнғироқ ёрдамида сухбатлашган пайтида ундан ялонғоч ҳолатда кўринишини шунчаки сўраганлигини, сухбат вақтида унинг ялонғоч ҳолатини ўзининг телефонида “скриншот” қилиб сақлаб қўйганлигини, бунга сабаб шунчаки кейинчалик керак бўлиб қолса керак деб олганлигини, С.Исмановага унинг ялонғоч ҳолатини видеотасвирга олганини айтмаганлигини, ундан ушбу тасвирларни бошқа бировга ташлаб беришни айтмаганлигини, шунингдек, ундан пул маблағи ҳам беришни талаб қилмаганлигини, С.Исманованинг Асадбек исмли болага унаштирилганини эшитиб, С.Исмановани ўзи яхши кўргани учун ундан рашк қилиб, ялонғоч ҳолатдаги скриншот расмларини Асадбекнинг телеграмм профилига Сарвинознинг ўзининг рухсатисиз ташлаб берганлигини, содир қилган қилмишидан пушаймонда эканлигини билдириб суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи С.Исманова судда, қонуний вакили иштирокида сўралганда, ҳозирда Қумқўрғон тумани 8-сонли мактабнинг 11-синфида ўқишини, 2024 йил октябрь ойида ота онасига ёрдамлашиш мақсадида синфдошлари билан дарсдан ташқари вақтда маҳаллада хонадонларда пулга ерёнғоқ териб ишлаш учун бориб турганлигини, шу ерда ишчиларга иш бошқарувчи бўлиб ишлайдиган судланувчи Намазов Зокир юрганлигини, бир куни ерёнғоқ тераётган вақтида дугоналари ташқарига чиқиб кетганлигини, шу вақтда Зокир ака келиб орқа томонидан қучоқлаб олиб кўкрагидан ушлаганлигини, шундан сўнг кўрққанидан жойидан туриб ташқарига югуриб чиқиб кетиб тўғри уйга борганлигини, бу ҳақида уйдагиларига айтмаганлигини, эртаси куни яна ишга борган вақтида Зокир аканинг турмуш ўртоғи уни тўхтатиб “сен эрим билан телефонда гаплашаётган экансан ўзингни еғиштириб ол” деганлигини, унга “турмуш ўртоғингиз ёлғон гапираяпти мен телефон ишлатмайман” деб айтганлигини, шундан сўнг Намазов Зокир ака ҳеч бир сабабларсиз қишлоғидаги одамларга “мен Сарвинозга



уйланаман, у билан гаплашяпман, иккинчи хотин қилиб оламан, отаси Эркин менга қизини беради” деб гап тарқатаётганлигини синфдоши Паризодадан эшитиб қолганлигини, ушбу гапларга этибор бермаганлигини, орадан вақт ўтиб 2025 йил январь ойида ота онаси уни Қумқўрғон тумани “Бўстон” маҳалласида яшовчи Абдуллаев Асадбек исмли болага турмушга беришга ахдлашиб қўйишганлигини, унга телефон олиб берганлигини, у билан телефонда ва телеграмм ижтимоий тармоғи орқали гаплашиб турарганлигини, 2025 йил 4 апрель куни телеграмм ижтимоий тармоғи орқали унга бегона рақамдан “яхшимисан” деган хабар келганлигини, ундан ким эканлигини, нега ёзаётганлигини сўраганида, унга “мен Намазов Зокиман, мен сенинг эрингни танийман унинг исми Асадбек тўғрими, агар хозир айтганимни қилмасанг турмуш ўртоғингга сени кучоқлаган вақтимда олган расмларни ташлаб бериб оиланингни шарманда қиламан” деб айтганлигини, шундан сўнг уни ялонғоч ҳолатда кўргиси келаётганлигини, унинг ялонғоч ҳолатда турган ҳолатини бир маротаба кўрса кучоқлаган вақтидаги расмларни ўчириб ташлашини айтганлигини, дастлаб унинг гапларига рози бўлмаганлигини, телефон рақамини блоклаб қўйганлигини, лекин у унга бошқа рақамлардан телеграмм ижтимоий тармоғи орқали ёзиб кўрқитгандан сўнг ростан ҳам расмга олган бўлиши мумкин деб ўйлаб қолганлигини, орадан бир неча кун ўтгандан сўнг унга ёзиб яна ушбу гапларини айтаверганлигини, ундан қандай расмлари борлигини ва ушбу расмни унга ташлаб беришини айтган вақтида, унга Шахбоз исмли болада борлигини, у ушбу расмни олганлигини, агар унга ялонғоч ҳолатда туриб кўнғироқ қилса расмларни ўчириб ташлашини, уни тинч қўйишини, бошқа безота қилмаслигини айтганлигини, шундан сўнг унинг гапларига ишониб телеграмм ижтимоий тармоғида видео кўнғироқ орқали у билан гаплашиб, унга бир маротаба жинсий азоларини кўрсатиш эвазига бошқа расмини ўчириб ташлашни келишиб олишганлигини, унга кийимларини ечиб жинсий аъзосини ва кўкракларини кўрсатганлигини, шундан сўнг унинг телеграмм акаунтини блоклаб қўйганлигини, орадан бир неча кун ўтгандан сўнг унга бошқа акаунтдан ёзиб у билан ведиоқўнғироқ орқали гаплашган вақтида расмга олганлигини айтганлигини, унинг ялонғоч ҳолатидаги расмларини ташлаганлигини, унга турмушга чиқмасанг ушбу расмларни телеграмм ижтимоий тармоғи орқали маҳалла гуруҳи, қариндошларига ва бўлажак турмуш ўртоғи Асадбек исмли болага ташлаб бериб шарманда қилишини айтганлигини, З.Намазов унга хар хил телефон номерлардан кўнғироқ қилиб кўрқитиб таҳдид қилганлигини, 2025 йил 27 апрель куни Абдуллаев Асадбек Ватсап ижтимоий тармоғи орқали З.Намазов билан ведиоқўнғироқ орқали гаплашган вақтида олган ялонғоч ҳолатдаги расмларини ташлаганлигини, у билан турмуш қурмаслигини ва бошқа гаплашмаслигини айтганлигини, ундан ким бу расмларни ташлаганлигини сўраган вақтида у Намазов Зокирдан олганлигини айтганлигини, З.Намазов билан жинсий алоқада бўлмаганлигини, З.Намазов пул талаб қилмаганлигини, судланувчи З.Намазовни кечирмаслигини, унга нисбатан даъвоси борлигини билдириб судланувчига қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ А.Абдуллаев судда, 2025 йил январь ойида ота онаси унга олдиндан таниш бўлган Қумқўрғон тумани “Пахтобод” маҳалласида яшовчи Исманова Сарвиноз исмли қизнинг ота онаси билан гаплашиб қизи С.Исманова мактабни битиргандан сўнг у билан оила қуришини ўзаро келишишганлигини. шундан сўнг у билан бир неча маротаба телефон орқали суҳбатлашганлигини, орадан озрок



вақт ўтиб 2025 йил март ойида Россия давлатига ишга кетганлигини, бу вақт оралиғида у С.Исмаилова билан бир неча маротаба телефон орқали кўнғирок қилиб гаплашганлигини, 2025 йил апрель ойида ўзига тегишли бўлган 97-773-70-72 рақамли телефон номерига телеграмм ижтимоий тармоғида очилган акаунтини қайта очган вақтида унга нотаниш бўлган 97-553-14-90 рақамли акаунтдан гаплашиб юрган қизи С.Исманованинг кийимсиз ялонғоч ҳолатдаги, суратлари ва Зокир исмли фуқаро билан Watsapp ижтимоий тармоғи орқали ишқий муносабатда бўлиб гаплашган расмларини ташлаганлигини, ундан кимлигини сўраган вақтида у Қумқўрғон тумани “Пахтобод” маҳалласида яшовчи Намазов Зокир еканлигини у олдин шу қиз билан Watsapp ижтимоий тармоғи орқали ишқий муносабатда бўлиб гаплашган вақтида С.Исманованинг кийимсиз турган ҳолатда скриншот қилиб расмга тушуриб олганлигини айтганлигини, шунда ундан қачондан буён гаплашиб келганлигини сўраган вақтида, унга 2024 йил октябрь ойидан бошлаб гаплашиб бошлаганлигини айтганлигини, З.Намазов унга ҳозир Россия давлатида ишлаётганлигини ишонмаса келиб бу ҳақида гаплашиб олиши мумкинлигини айтганлигини, унинг иш жойига бориб у билан кўришиб Асқар исмли бола ва таниши Алишер гувоҳлигида гаплашганликларини, шу вақтда унга ҳақиқатдан ҳам гаплашганлигини ва буни С.Исманованинг олдида ҳам айта олишини, Ўзбекистонга борган вақтида ҳам айта олишини айтганлигини, шунда С.Исманованинг телефонида кўнғирок қилган вақтида унинг бувиси телефонни кўтарганлигини, шунда З.Намазов унга қизи билан гаплашганлигини айтганлигини, иш жойига қайтиб кетганлигини, З.Намазовдан нега бу расмларни менга ташладинг деб сўраган вақтида унга “сени ким билан оила қураётганлигини билиб қўйишинг учун, мен у билан олдин гаплашганман” деганлигини, шунда С.Исмановага кўнғирок қилиб унга уйланмаслигини ва у билан бошқа гаплашмаслигини айтиб телефонни ўчирганлигини баён қилди.

Гувоҳ А.Жовлиев судда, ўзининг тергов давомида бериб ўтган кўрсатмасини тасдиқлаб кўрсатма бериб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний қучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак”;

Мазкур модданинг 5-қисмида, “Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” деб белгиланган.

Суд, Конституциясининг мазкур устувор қоидаларига амал қилиб, судланувчи Намазов Зокир Абдиғаппаровичнинг айби ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳақидаги баённома, чизма ва фотосуратлар, тушунтириш хатлари, аризалар, маълумотномалар, ўтказилган тадбир ҳужжатлари, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш қарорлари, баённомалар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16-моддасининг 2-қисми, иккинчи хатбошида, “Бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат



Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмас деб” белгиланган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Намазов Зокир Абдиғаппаровичнинг жиноий қилмиш ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 141³-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Жиноят-процессуал кодекси 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1, 3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”,- деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 4-қисмида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принцигига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб белгиланган.

Суд, мазкур конституциявий норма талабларидан келиб чиқиб, судланувчи З.Намазовга жазо тайинлашда унинг айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилали эканлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида, жиноятни ғараз ва паст нияларда содир қилганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 141³-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазо манзил колонияларда ўташни белгилашни, жазо муддатини қамокқа олинган кундан бошлаб ҳисоблашни, эҳтиёт чораси ўзгартириб, дархол суд залидан қамокқа олишни, ашъвий далил тариқасида эътироф этилган 1 дона “ДВД” диск жиноят ишига қўшилганлигини қайд қилишни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасининг 5-қисмида, “Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар-ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек, авф этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга деб” белгиланган.

Суд мазкур конституциявий норма талабидан келиб чиқиб, судланувчига мазкур суд ҳукми устида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқи мавжуд эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқорида баён қилинганларга кўра ва Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и :

Судланувчи Намазов Зокир Абдиғаппарович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 141³-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 141³-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо манзил колонияларда ўташ белгилансин.

Жазо муддати 2026 йил 6 апрель кунидан бошлаб ҳисоблансин.

3.Намазовнинг эҳтиёт чораси ўзгартирилсин ва у дархол суд залидан қамоққа олинсин.

Ашёвий далил тариқасида эътироф этилган 1 дона “ДВД” диск жиноят ишига қўшилганлиги қайд қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят келтиришга ёки прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Б.Тагаев

